



**АЪРОФ СУРАСИДА ВАСВАСА ТУШУНЧАСИ**

Умиркулов Уткир

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Исломшунослик йўналиши

2-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7380956>

**ARTICLE INFO**

Received: 19<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 27<sup>th</sup> November 2022

Online: 30<sup>th</sup> November 2022

**KEY WORDS**

Васваса тушунчаси, шахсий дунёқараш, Саҳиҳул Бухорий, Аъроф сураси, Балад сураси, имон шарти, Замонавий истилоҳ, ўлим ҳақидаги ёндашув, Аҳмад ривояти.

**ABSTRACT**

Ушбу мақолада оят ва ҳадисларда келган васваса ҳақидаги маълумотлар келтирилган ва улар илмий асослар билан ёритиб берилган, васваса тушунчасининг ҳозирги кунда инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз боради.

Бугун жамиятда учраётган маънавий ҳасталиклардан бири инсон қадри ва унинг бутун борлиғини нишонга олаётган васваса касаллигидир. Бу офат инсонда пайдо бўлишининг кўплаб омиллари мавжуд. Бу маънавий касаллик кучайиб кетгач, кимдир ўз жонига қасд қилсагина инсонлар бу ҳолатдан хабар топади. Аслида эса бу касаллик бошланишининг асосий сабаби, васваса вақтида комил инсон қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақида яхши билиб олиши лозим бўлади. Қуйида ўрганиладиган оятда айнан шу ҳақда сўз боради:

إِنَّ الَّذِينَ اتَّقَوْا إِذَا مَسَّهُمْ طَٰئِفٌ مِّنَ الشَّيْطٰنِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُبْصِرُونَ {201}

{202} وَإِخْوٰهُمُ يُمدُّوْنَهُمْ فِي الْآعْيِ ثُمَّ لَا يَقْصِرُونَ

“Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирор васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар. Уларнинг (шайтонларнинг) дўстлари

эса йўлдан оздиришда уларга (шайтонларга) ёрдам берадилар, сўнг (бу иғволарини) тўхтатмайдилар”<sup>1</sup>.

Аъроф сурасининг мазкур оятида алоҳида урғу берилган “Васваса” тушунчаси бугунги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиш билан бирга, бу ҳусусда қалам тебратмоқчи бўлган кишининг қалбига оғриқ ҳам солади. Чунки соф дунёқарашга эга бўлган халқимиз ҳаётида бу каби салбий ҳолатларни ҳаёлга ҳам келтириш мумкин бўлмаган.

Бугунги таҳликали замонда инсон онги ва мафқурасини ҳимоя қилиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Эътибор беринг, кимнингдир уйи ёнса ҳамма шу томонга қараб чопади. Ҳаммининг мақсади эзгу,

<sup>1</sup> A’rof surasi, 201-202 oyatlar // Qur’oni karim manolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va izohlar muallifi Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2018. – 176 b.



унга ёрдам беришлик. Аммо бугун ёритилмоқчи бўлаётгани каби салбий холатлар урчиб, тарбия масаласига ўт кетиши мумкин бўлган қалтис вазиятларга ҳеч бир инсон бефарқ бўлмаслиги лозим. Чунки асос қилиб олинган ояти каримада:

**“Уларнинг (шайтонларнинг) дўстлари эса йўлдан оздиришда уларга (шайтонларга) ёрдам берадилар, сўнг (бу иғволарини) тўхтатмайдилар.”** дея алоҳида кўшимча қилинмоқда.

Дарҳақиқат, бугун васваса иллатининг ижтимоий тармоқларда ҳам турли туман кўринишлари кўпайиб кетмоқда ва тўхтамасдан давом этмоқда.

Шундай экан ҳар бир ота-она ўз фарзандининг ҳаётидаги моддий таъминотдан олдин уларнинг дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларга масъулият билан эътибор қаратишлари муҳимдир.

Муқаддас динимиз таълимотларида инсон ҳаёти даҳлсизли масаласи, унинг кадр-қимматини асраш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун ҳадиси шарифларда инсон ўзини ўлдириши у ёқда турсин, ҳатто ҳаёлга келтиришдан ҳам қайтарилган. Жумладан:

... فعن أنس قال: قال رسول الله ﷺ: لا يتمني أحدكم ... الموت...

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloху соллоллоху алайҳи васаллам: **“Сизлардан ҳеч бирингиз (унга етган зиён сабабли) ўлимни орзу қилмасин...”** дедилар.<sup>2</sup> (Саҳиҳул Бухорий 7235-ҳадис)

<sup>2</sup> Imom Buxoriy. Sahihul Buxoriy. – Damashq: Daru Ibn Kasiyr, 2002. – 1788 b.

Бу ҳаёт имтиҳон майдонидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримнинг кўплаб оятларида хабар берган. Жумладан Балад сурасида шундай дейди:

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ

яъни: **“Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик”** (Балад сураси, 4-оят).<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, синовларда чиниққан инсонгина ҳақиқий саодатга эриша олади. Акс холда инсон бир мартагина бериладиган ҳаёт имкониятни қўлдан бой бериб, инсоний кадр-қиммати ва иймонини шайтоннинг васвасасига алданиб поймол қилиши ҳеч гап эмас.

Инсон ҳаётининг барча жабҳаларида турли туман синовларга, қарама-қаршилиқларга тўқнаш келмасдан туриб ҳақиқий муваффақиятга эриша олмайди. Ҳаётда учрайдиган синовларнинг қаршисида тун қанчалик қоронғу ёки узун бўлмасин, албатта файзли тонг отишини кутгандек дадил тура олиш чин инсоний фазилатдир.

Мусулмон киши бошига тушадиган яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таоло томонидан эканлигига иймон келтирган бўлади. Бусиз унинг имони мукамал бўлмайди. Имоннинг мазкур шарти нафақат тилимизда, балки амалимизда ҳам ўз татбиқини топиши лозимдир. Мазкур муаммонинг асосий сабабларидан бири ҳам шудир. Агарда мана шу тушунча бизнинг амалимиздан мустаҳкам ўрин олса, дунё ҳаётида бошимизга тушадиган ҳар қандай

<sup>3</sup> Balad surasi, 4- oyat // Qur’oni karim manolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va izohlar muallifi Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2018. – 594 b.



қийинчиликлар келгусида умр саҳифамизни яхши кунлар билан безайди.

Бугун жамиятимизда учраётган киши ўз жонига қасд қилишидек жирканч иллат кўлами шу даражага етдики, ҳатто айримлар бундан сесканмай ҳам кўйди десак муболаға бўлмайди. Аслида бунинг ортида бир сулоланинг шаъни, инсон ҳаёти ва унинг ортида қолган яқинларининг аянчли қисмати ҳақида ўйлашнинг ўзи оғриқли.

Ушбу муаммога алоҳида урғу бераётганимизнинг боиси шундаки, кўп йиллик кузатишларимиз давомида бу иллат содир бўлган ҳудудларда аҳоли ўртасида қанчалик тушунтириш ишлари олиб борилмасин айрим ҳудудларда терс натижа берганини ҳам гувоҳи бўлдик. Замонавий истилоҳ билан айтилганда тарғибот анти тарғиботга айланиб кетди.

Хўш, бунинг сабаби нима эди? Асосий сабаб, бу иллатнинг олдини олишга киришган баъзи кишилар ўлим сўзини қандай тарзда ифодалашни ўзлари ҳам билмаган холда ёшларга ваъз қилдилар. Демак, аввало биз ўлим ҳақидаги ёндашувимизни ҳам тўғирлаб олишимиз муҳимдир. Ўлим бу ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги охириги нафаси, шу билан ҳар бир инсоннинг абадияти ҳал этиладиган энг сўнгги лаҳза, яхшилик ва ёмонликларимизнинг заррачасини ҳам кўз ўнгимизга олиб келинадиган, ҳисоб қилинадиган вақт, қабр жаннат боғаларидан бир боғ ёки дўзаҳ чуқурларидан бир чуқур бўлишлигини исботлайдиган ҳолатдир.

Ўлимнинг ҳақиқий маъносини тушуниб, унинг улкан маҳобатини ҳис этган бобо, бувиларимиз бўлар бўлмасга бу сўзни тилларига чиқараверишдан ҳам

ўзларини сақлаганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз талаффузида вафот этган кишига нисбатан тўғридан тўғри ўлим сўзи ишлатилмайди. Балки “Фалон киши дунёдан ўтибдилар”, “Йўқ бўлиб қолибдилар”, “Омонатни топширибдилар” каби сўзларни ишлатиш урфга айланган.

Бугун эса, бу сўзга нисбатан енгил муносабатда бўлиб қолганимиз ҳам бу иллатнинг авж олиши учун асосий бир сабабдир. Эътибор берсангиз айримларда тушунчанинг етарли эмаслигидан ўзаро ҳазиллашиб ҳам ўлим сўзини ишлатмоқда. Ҳатто айрим оналар фарзандларига нисбатан кўрқмасдан “Ўлим” сўзини ишлатиб тарбияга чақиришга ҳам уринмоқдалар...

Яна бир жиддий сабаблардан бири, айрим ёши катта ва кичикларимиз таъзия хабарини эшитган пайтда мусулмон кишига ҳос бўлган одобни билмаслигидир. Эътибор берсангиз айримлар касаллик ёки шунга ўхшаш қийинчилик билан дунёдан ўтган кишини эшитганда унга муносабат билдириб “Ташвишдан, қийинчиликдан қутилибди” деган сўзларни ҳам ишлатади. Бу каби сўзларни эндигина онги шаклланиб келаётган ёшларнинг олдида ишлатилиши ҳам қайсидир маънода уларни ўлим билан осонгина ўйнашишга сабаб бўлиб қолмаяпдимикан? Бу ҳақда ҳадиси шарифларда шундай дейилади:

فَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ : قِيلَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ ، مَا تَنْتَ فُلَانَةٌ ، وَاسْتَرَأَخْتُ ، فَعَضِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ : إِنَّمَا يَسْتَرِيحُ مَنْ غَفِرَ لَهُ (رواه أحمد 24192)

**Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Айтилинди: Эй Аллоҳнинг росули фалон аёл вафот этиб, хотиржам бўлди (дунёнинг**



машаққатларидан қутилди).  
Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
васаллам ғазабландилар ва: “Аллоҳ  
таоло томонидан мағфират этилган  
кишигина хотиржамлик топади”  
дедилар. (Имом Аҳмад  
ривояти/24192)

Яна бир жиддий сабаблардан бири  
меҳр-шафқатнинг етишмаслигидир.  
Доимо бир бирлари билан чиқиша  
олмайдиган, арзимас сабаб билан уруш-  
жанжаллар бўлаверадиган оилаларда  
ўсаётган фарзандларнинг жажжи қалби  
дунёни ушбу ёвуз оила тимсолида

тасаввур этиб улғаяди. Дунёни меҳрсиз  
деб тушуниб улғайган фарзанднинг  
қулоғига иккинчи томондан ўлим сўзи  
оддий нарса, ҳаёт қийинчиликларидан  
қутулиш йўли бўлиб эшитилиб  
тургандан кейин у нима қилсин?.

Афсуски бунинг ҳам исботини ҳаётда  
кўриб гувоҳи бўлиб турилибди. Айрим  
ҳали деярли онги мукамал шаклланиб  
улгурмаган мактаб ва боғча ёшидаги  
болаларда ҳам суицид холатининг  
содир бўлишини ушбу сабаблардан деб  
айтиш мумкин.

## References:

1. Qur'oni karim manolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va izohlar muallifi Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2018.
2. Imom Buxoriy. Sahihul Buxoriy. – Damashq: Daru Ibn Kasiyr, 2002.